

## ТИЛНИНГ СЕРҚИРРАЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳамроева Нафиса Низомиддиновна,  
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Борлиқда (табиатда ва жамиятда) ўрин олган, бизнинг сезгиларимизга таъсир эта оладиган, ўрганилиши-ю тавсифланиши мумкин бўлган ҳар бир мавжудот ва воқеа/ҳодиса табиатан ва моҳиятан серқиррадир. Серқирралик борлиқдаги мавжудотлар ва ҳодисаларнинг умумий зотий (онтологик, табиий, илоҳий...) хусусиятидир. Серқирраликнинг боиси шундаки, истаган фалсафий нарса борлиқдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар билан ранг-баранг муносабатларда туради ҳамда айтиб бериш билан бир нарса хилма-хил муносабатдошларининг ҳар бир тури билан ўзининг алоҳида бир қиррасини намоён қилади. Шу маънода тил деган борлиқ ҳодисасининг ўзи ҳам, унинг вазифалари ҳам серқиррадир. Табиийки, биз бунда тил сўзининг о м о н и м и я с и н и мутлақо назарда тутмаймиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ТИЛ II сифатда луғатнинг IV-жилд 91-бетида алоҳида ажратилиб, бош маъноси “1. *Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти*” сифатида кўрсатилади. Ваҳоланки, мазкур луғат бу сўзда юқорида келтирилган бош маънодан ташқари яна 7 маънони санаб ўтадики, уларнинг ҳар бирининг борлиқдаги доминантаси алоҳида муस्ताқил бир бутунликдир. Шунинг учун “*Тил нима?*” деб сўрашдан олдин обдон ўйлаш зарур – сўраётган шахс “*тил*” деганда нимани назарда тутаяётгани саволда у ўз аксини топиши керак. Акс ҳолда савол мавҳум, яъни ўринсиз ва нотўғри бўлади. Шунинг учун “*Тил нима?*”- деб сўрашдан олдин обдон ўйлаш, тилнинг қайси жиҳати қизиқтираётганлигини саволда аниқ акс эттириш зарурлигини унутмаслик керак.

Туркийшунослик баҳодури (академик А.Самойлович ва Б.Аталайларнинг бутун дунё тан олган таъбири), XI асрнинг серқирра буюк қомусий олими – Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарий халқ тилини билиш кишини шу қавмга яқинлатиради, бу тил соҳибларининг ҳурмат-у марҳаматига сазовор қилади, деган фикрни шундай баён қилади: “уларга /туркларга/ яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилида сўзлашдир”. Бу билан у бир тилда сўзловчилар бир-бирига руҳан ва маънан яқин деган ғояни илгари суради. Асарининг жуда кўп жойларида туркийшунослик баҳодури тилнинг халқ турмуши, тажрибаси ва онгининг инъикоси ва хазинаси эканлигини алоҳида уқдиради. [1, 43]

Тилнинг серқирралиги ва жамиятда турли-туман вазифаларни бажариши ҳақида Мир Алишер Навоий ҳам “Хамса” дostonларининг муқаддимасида, “Маҳбубул қулуб”да ва, хусусан, тилшуносликка

---

1 Бу ўринда киши ишониши қийин, лекин воқеликда содир бўлиб, кизиқ бир воқеани эслаш мумкин: “Тилшуносликка кириш” ўқув фанидан имтиҳон қабул қилаётган доцентнинг: “Тил нима?” - деб берган саволига талаба ўз тилига ишора қилиб: “Мана бу,”- деб жавоб беради. Доцент бундан табиийки, ғазабланади ва масала катта мунозарага айланади Пировард оқибатда, ҳакамлар талабанинг ҳақлиги ҳақида якуний хулосага келишди - жавоб саволга монанд, жавоб - саволнинг акс садоси!

бағишланган махсус асарлари - “Муҳокаматул луғатайн”да жуда қимматли фикрларни баён қилган. Жумладан, мутафаккир дастлаб Қуръони каримнинг 55-сураси (“Арраҳмон”) 3-оятининг ўзбек тилида

*Чун кун фаякун саҳфасига бўлди тироз,*

*Қилгон ани нутқ ила баридин мумтоз*

(Тавсифи: *Ҳақ яратиши фаолиятини намойиш этди ва инсонни барча махлуқотдан нутқ билан устун қилди.*) назмий баёнидан сўнг Қуръони Каримнинг *алламал адама асмаъа куллаҳо* (2-сура 27-оят) (*Одамга барча нарсаларнинг исмини ўргатди*) ояти каримасига ҳавола бериб, тил инсонга буюк илоҳий неъмат эканлигини алоҳида таъкидлайди [2, 512].

Муосир ўзбек филологи академик А. Рустамов илмий-бадиий услубда ёзилган “Сўз хусусида сўз” асарида тилнинг серқирралиги баёнида алоҳида тўхталди [3, 12]. Олим тилнинг моҳиятан ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлигини кенг шарҳлаб, унинг фақат товуш томони табиий ҳодисалар билан алоқадорлигини таъкидлайди. Тилнинг қатор вазибалари сифатида унинг онг-тафаккур маҳсулини шакллантириш, (қолипга солиш) каби когнитив/гносеолигик (билиш, ўрганиш ва ўргатиш жараёнлари билан алоқадор), жамият аъзолари тажрибаларини йиғиш ва тизимга солиш, келгуси авлодларга етказиш каби маърифий, инсон руҳий ҳолати-кечинмалари, ҳис-туйғуларини ифодалаш каби руҳий-ифодавий (аффектив), энг муҳими кишилар орасида фикр алмашиш (ахборот узатиш ва қабул қилиш) каби коммуникатив вазибалари (функциялари) илмий-бадиий шаклда шарҳланади.

Бу ихчам тавсифдан кўриниб турибдики, тилга серқирра, кўп томонли ҳодисадир. Кўп вазибали ижтимоий-руҳий воқелик сифатида ёндашиш узок тарихга ва анча бой анъанага эга. Шунинг учун ҳозирги кунда Ғарбий Европа фанига илмий ҳаволалар билан тилнинг б асосий вазибасини (функциясини) ажратиш ва тавсифлаш ўзбек фани тарихи учун том янгилик эмас – улар мумтозларимиз томонидан Европа олимларидан анча олдинроқ очиб тавсифланган, лекин XIX-XX асрларда тарихий илдизларимиздан узилганлигимиз сабабли биз уларни унутаётган эдик.

Замонавий тилшуносликда тил – серқирра, кўп томонли, кўп вазибали (функцияли) ижтимоий-руҳий-этник ҳодиса сифатида талқин этилади, шунинг учун Европа илмида тилга хилма-хил таърифлар берилган. Жумладан, Владимир Звегинцев ўзининг “Очерки по общему языкознанию” китобида тилнинг 21 машҳур олим таъкидлаб ўтган хилма-хил таърифларини келтиради [5, 384]. Табиийки, Владимир Звегинцевнинг мазкур китобида келтирилган тилнинг 25 хил таърифи фанимизда тилшунослик тадқиқи манбаига нисбатан мавжуд бўлган таърифларнинг барчаси эмас.

Шу асосда Владимир Звегинцев томонидан келтирилган рўйхат ва бизнинг унга изоҳимиз асосида бир ҳақиқатни тўла тан олишимиз керак бўлади: тилнинг серқирралиги мутлақ бўлиб, унга берилган ва бериладиган чексиз таърифларнинг барчаси нисбийдир – яъни уларнинг ҳеч бириси мутлақ нотўғри ҳамда тилга нисбатан ғирт тухмат ҳам, мутлақ тўғри ва

мутлақ ҳақиқат (яъни тилнинг тўлиқ таърифни, табиатини очиб бера оладиган) ҳам эмас; ҳар бир таъриф тилнинг (тадқиқотчи диққат марказида турган) бир қиррасинигина очиб беради. Шунинг учун субстанциаллик (диалектика) нуқтайи назаридан шу таърифларда муносабат (қайси жиҳат ва ҳолларда унинг асослилиги, тўғри эканлиги) кўрсатилганда, масала талқини ҳеч бир мунозарага ўрин қолдирмас эди. Афсуски, таърифларда мана шу муносабат (resp. диалектиклик, нисбийлик) йўқ ва улар, табиийки, мутлақ - бу ҳукми шакллантирган тадқиқотчи, тилни мана шундай тушунади ва изоҳлайди деган хаёлга олиб келади. Ўз-ўзидан англашилиб турадики, бундай мутлақ таъриф бошқа нуқтайи назарда турган (яъни тилнинг бошқа қиррасига диққат қаратаётган) бошқа тадқиқотчига нотўғридек туюлади, унинг эътирозларига сабаб бўлади. Ваҳоланки, мутлақ таърифни шакллантирган тадқиқотчи ҳам мутлақ ҳақ, ёки мутлақ ноҳақ эмас, бу ҳукми мутлақ рад этиб, унга зид (қарама-қарши) ҳукми шакллантирган ўрганувчи ҳам; улардан ҳар бири ўз “кўрганини” (яъни тадқиқ усули/методи/манбага ёндашиш мавқеи/ нуқтайи назари... манбанинг қайси қиррасини чуқурроқ ўрганишга имкон берадиган бўлса, шу қиррасини, томонини) тавсифлади ва шу асосда тилга таъриф берди, лекин шу жараёнда катта мантиқий хатога йўл қўйди – бўлакни (яъни манбанинг бир томони, қирраси, хусусиятини) бутун билан (манбанинг ўзи билан) тенглаштирди.

Тилшуносликда тилнинг вазифалари ҳақида хилма-хил фикрлар баён қилинган. Жумладан, Ғарб тилшунослигида Владимир Аврориннинг “Тилнинг вазифавий томонини ўрганиш масалалари”, Карл Булернинг “Тилнинг қурилиш қолипи”, Юнус Дешериевнинг “Ижтимоий тилшунослик”, Алексей Леонтевнинг “Тил, нутқ, нутқ фаолияти”, Наталя Слюсарёванинг “Тилнинг вазифалари тушунчасининг методологик аҳамияти”, ва “Тилнинг вазифалари”, Юрий Степановнинг “Тилнинг семиотик қурилиши (тилнинг уч вазифаси ва уч турли воситалар тизими)”, Роман Якобсоннинг “Тилшунослик ва поэтика”, “Тилнинг алоқа-аралашувнинг бошқа воситаларига муносабати”, Борис Норманнинг “Тилшунослик асослар” китобининг “Тилнинг вазифалари” деб номланган махсус катта боби кабиларнинг ишларида бу масала махсус тадқиқ манбаи бўлди. Умуман, бу масала тилшунослик бўйича ҳар бир ўқув қўлланмасида, тил ҳақида умумий монографик тадқиқотларда, албатта, олинади ва муаллиф бу ҳақдан ўз фикрини баён қилишга мажбур.

Ўзбек тилшунослигида миллий истиқлолдан – миллий тил ва миллий онг-у тафаккур муносабатларининг тадқиқига коммунистик мафкура қўйган сунъий ғовлар олиб ташлангач - Т.Бушуй, Н.Маҳмудов, Ҳ. Неъматов, А.Нурмонов, Р. Расулов, Ш.Сафаров каби олимларнинг асарларида бу масала махсус тадқиқ манбаи бўлди, анча ойдинлашди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том.Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. - Тошкент.Ўз.ФА нашриёти. 1960.

2. Навоий А. Тўла асарлар тўплами. 10 жтлдлтк. Ўнинчи жилд.. Тошкент Гафур Гулом н. НМИУ.2011.
3. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент.Ёш гвардия.1987.
4. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлил асослари. Ўқув кўлланма. -Самарқанд, 2007. -40 б.
5. Звегинцев В. “Очерки по общему языкознанию. Москва. Из-во Московского университета.1962.
6. Nizomiddinova, Khamroeva Nafisa. "Compliment as one of the forms of Phatic Communication." Middle European Scientific Bulletin 10.1 (2021).
7. Эшанкулова, С. И. (2012). Поэтическое толкование образа Хызра в лирике поэтессы Надиры бегим. Вестник Челябинского государственного университета, (12 (266)).
8. Эшанкулова, С. И. (2011). Интерпретация мифологических образов в творчестве Надирабегим. Вестник Челябинского государственного педагогического университета, (10).
9. Эшонкулова, С. И. (2020). ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВ ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЕЙ В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. Сўз санъати хал? аро журнали, 2(3).
10. Eshonqulova, S. (2020). Tanlov fandan mahorat saboqlari. Архив Научных Публикаций JSPI.
11. Eshonqulova, S. (2020). НОДИРА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ. Архив Научных Публикаций JSPI.
12. Туророва, Р. (2020). Adabiy merosdan bahra olgan yoki ertaklar og'ushida ulg'aygan shoir. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(45). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5421](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5421)
13. Туророва, Р. (2020). Intilganga tole yor. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5422](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5422)
14. Туророва, Р. (2020). Alisher Navoiy ijodida ona–ayol timsoli. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5423](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5423)
15. Туророва, Р. (2020). Buvimning o'gitlari. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5424](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5424)
16. Туророва, Р. (2020). Shoirlari bor el yashar. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5427](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5427)
17. Туророва, Р. (2020). Barkamol avlod tarbiyasida Alisher Navoiy asarlarining ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5426](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5426)
18. Soatova, N. (2020). Freedom-loving writer. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(46). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5369](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5369)
19. Soatova, N. (2020). Shuhrat ijlodida Ayol siymosini badiiy talqini. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(45). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5387](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5387)
20. Soatova, N. (2020). “Qisasi Rabg'uziy”da kompozitsion tuzilish va g'oya. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5389](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5389)
21. Soatova, N. (2020). Bir roman xususida. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5391](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5391)

22. Soatova, N. (2020). An'anaviylik va vorislik. Toshkent.: "MUMTOZ SO'Z" nashriyoti. 2019. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5402](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5402)
23. Soatova, N. (2020). Furqatning hayot va ijod yo'liga nazar. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5404](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5404)
24. Soatova, N. (2020). Nomingiz o'chmaydi dillardan . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5408](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5408)
25. Soatova, N. (2020). Nutq odobi masalasiga oid qarashlar ("Qutadg'u bilig" dostoni misolida). *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(45)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5419](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5419)
26. Soatova, N. (2020). "Yuz masal"ning yoshlar tarbiyasidagi o'rni. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(56)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4648](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4648)